

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАГИСТРАТУРА  
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ республикада олий таълим тизимининг иккинчи босқичи сифатида магистратуранинг норматив-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилди, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асослари белгиланди ва ўқув-методика комплекси, ахборот таъминотининг янги авлоди жорий этилди, илмий-педагогик кадрлар таркиби шакллантирилди.

Ўқув жараёнини, олий таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайдиган норматив-методик ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш мақсадида малака амалиёти ҳамда Давлат аттестация комиссиялари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг замонавий техника ва технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш базаларида, илмий лабораторияларида, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларида ташкил этилди.

Магистрларнинг қизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам равишда илмий конференциялар ўтказилмоқда, уларга чет тиллар ўргатилмоқда, ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогика технологиялари жалб этилмоқда.

Ўтган икки ўқув йили мобайнида магистратурада ўрганилаётган предметларнинг ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди ва янгиланди.

Олий таълим муассасаларида магистратуранинг 20 тадан ортиқ янги мутахассисликлари очилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда магистратура фаолиятини ташкил этиш, шунингдек кадрлар ва ахборот ресурслари базалари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Чунончи, кадрлардан фойдаланувчилар (иш берувчилар)нинг аксарияти магистратурани битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисида тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга эмас. Магистратурани битирувчилардан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд.

Ўқитишнинг замонавий техник воситалари бугунги кун талабларига мувофиқ эмас, илмий ва махсус адабиётларнинг етишмаслиги сезилмоқда, фан ва технологияларнинг янги ютуқлари ўқув жараёнига тезкорлик билан жорий этилмаяпти, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш тўлиқ даражада амалга оширилмаяпти, буюртмачиларнинг магистрлар тайёрлаш жараёнидаги амалий улуши мавжуд эмас.

Магистратура таълими сифатини оширишга муайян улуш қўшаётган юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали методларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ магистратура фаолиятини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг сифатини ҳамда рақобатбардошлилигини оширишни кучайтириш, юқори малакани ва маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шунингдек магистратурада таълим-тарбия жараёнини норматив-ҳуқуқий ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 майдаги ПҚ-645-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Магистратурани ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришнинг мақсадли дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб кўйилсинки, магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар ҳамда фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига, профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган олимлар, шунингдек давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассислар жалб этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, «Истеъдод» жамғармаси бир ой муддатда:

ўқитувчилар ва ёш олимларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги етакчи университетларда ва илмий марказларда тажриба орттиришларини (уларнинг натижаларидан бири магистратурада ўқитиш сифатини оширишдан иборат), хорижий мутахассислар билан биргаликда магистратура дастурлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилишини;

республиканинг олий таълим муассасаларига педагогик ишларга юборилган магистратура битирувчиларига уларнинг университетларда ва илғор технологияли илмий марказларда малака оширишлари учун зарур шарт-шароитларни, шунингдек магистратура ўқув предметлари бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишини ҳамда ўқув жараёнига замонавий илм-фан ютуқлари жорий этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

*(4-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 821-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/821/3833-сон)*

магистрлар тайёрлаш билан банд бўлган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати мониторингини, шунингдек уларнинг малака даражасини баҳолашни амалга оширсин;

магистрларни ўқитиш ва тайёрлаш сифати ўрганилишини ташкил этсин ва унинг сифати назорат қилинишини таъминласин;

олий таълим муассасаларида магистратура мутахассислари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили 1 мартгача белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига магистратурага қабул қилиш параметрлари бўйича асосланган таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 1 январдан бошлаб республика олий таълим муассасаларида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига иш ҳақи фонди ва маъмурий-бошқарув ходимлари сони доирасида **2-иловага** мувофиқ магистратура бўлимлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Магистратура бўлимларига кафедралар ва деканатлар билан биргаликда куйидагилар юклансин:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлашга, улардаги таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилишга кўмаклашиш;

ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини таъминлаш;

олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

магистрларни ўқитиш ва уларнинг ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш масалаларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш.

6. Вазирликлар, идоралар ва кадрлардан асосий фойдаланувчилар бўлган бошқа ташкилотлар магистрлар тайёрлаш жараёнида фаол қатнашсинлар ҳамда уларнинг

меҳнатидан самарали фойдаланилишини таъминласинлар, магистрантларнинг амалий машғулотларда қатнашишлари, етук мутахассисларнинг магистрлик тайёргарлигига раҳбарлик қилишларига жалб этилиши, реал топшириқлар бўйича диссертациялар тайёрлашга, уларнинг таълим-касбий фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда магистратура таълим жараёнини фундаментал ва амалий фанлар билан реал интеграциялаш, Фанлар академиясининг етакчи олимларини ҳамда унинг моддий-техника базасини магистрантларни ўқитиш ва улар томонидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга жалб этиш бўйича Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда уни 2008 йилдан бошлаб амалга оширишга киришсин;

бир ой муддатда Магистратура тўғрисидаги Низомга ушбу қарор талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 сентябрь,  
190-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарорига  
1-ИЛОВА

#### Магистратурани ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришнинг мақсадли дастури

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш санаси	Бажариш учун масъуллар	Молиялаштириш манбалари	Кутилаётган натижа
1.	Куйидагиларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш: — магистратуранинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини тартибга солувчи норматив-методик ҳужжатлар; — «Магистратура тўғрисида низом» ва уни белгиланган тартибда тасдиқлаш; — Бакалаврият ва олий таълим магистратураси мутахассисликлари классификатори	2007 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Кўзда тутилаётган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Магистратурада ўқув жараёнини бошқариш, ташкил этиш, ўқув-методик таъминлашнинг янги механизмларини назарда тутувчи янги механизмларнинг норматив-методик база
2.	Магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш	2007 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Кўзда тутилаётган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Таркибий жиҳатдан такомиллаштирилган, мазмуни янгиланган, кадрларнинг асосий буюртмачилари билан келишилган Давлат таълим стандартлари
3.	Магистратуранинг ўқув режаларини модернизация қилиш ва таълим дастурлари	2007 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга	Кўзда тутилаётган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Янгиланган ва предметлар рўйхати буюртмачилари билан келишилган ўқув режалари. Фан ва

	мазмунини янгилаш		бўлган вазирликлар ва идоралар		техниканинг замонавий ютуқлари асосида тузилган, ишлаб чиқариш мутахассислари экспертизасидан ўтказилган ўқув дастурлари
4.	Магистратурани замонавий ўқув, илмий, махсус адабиётлар ва методик материаллар билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ магистратура учун ўқув ва методик адабиётлар муаллифларини моддий рағбатлантириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	2007-2008 ўқув йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари. Олий ўқув юртларини ривожлантириш жамғармаси	Янада чуқур ва кенг кўламли билим берадиган ўқув адабиётлари
5.	Магистрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда магистратурани республика олий таълим муассасаларида оқилона ва самарали жойлаштиришни таъминлаш	2007-2008 ўқув йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Кўзда тутиладиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Олий ўқув юртларида магистрлар тайёрлаш мутахассисликлари рўйхатини мақбуллаштириш
6.	Ҳолатини пухта таҳлил қилиш асосида магистратуранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни таъминлаш, замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари, компьютер техникаси ҳамда дастурий маҳсулотлар билан жиҳозлаш	2008-2009 ўқув йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари. Олий ўқув юртларини ривожлантириш жамғармаси	Замонавий лаборатория анжомлари, компьютер техникаси билан жиҳозланган ўқув-лаборатория базаси
7.	Магистратурада ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишнинг самарали ва объектив механизмларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш	2007-2008 ўқув йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Кўзда тутиладиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Ҳафталик юкламаларни мақбул режалаштирган ҳолда магистратурада ўқув жараёнини ташкил этиш, аудиториядаги ва мустақил машғулотларни тақсимлаш. Кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар ва лаборатория тадқиқотлари салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда танлов асосида магистрлик диссертацияларини бажариш. Мутахассислар тайёрлаш сифати назорат қилинишини таъминлаш
8.	Магистратура тизимининг профессор-	2007-2008 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,	Кўзда тутиладиган бюджет маблағлари	Магистратурада дарс бериш ва ўқитиш

	<p>Ўқитувчилар таркиби ҳамда бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Магистратура ўқитувчиларининг ва ёш олимларнинг мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи университетларда ва илмий марказларда тажрибасини ошириш. Илғор технологияга эга бўлган университетлар ва илмий марказларда республиканинг олий таълим муассасаларига педагогик ишга юборилган магистратура битирувчиларининг малака ошириши учун устувор шарт-шароитлар яратиш. Илмий ютуқлар, ўқитишнинг фаол педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш, магистратуранинг ўқув предметлари бўйича ўқув-методик материаллар яратиш учун ўқитувчиларга шарт-шароитлар яратиш</p>		<p>«Истеъдод» жамғармаси, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар</p>	<p>доирасида, олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари, «Истеъдод» жамғармаси</p>	<p>сифатини ошириш, хорижий профессорлар билан биргаликда магистрлик дастурлари учун дареликлар ва ўқув кўлланмалари нашр этиш</p>
9.	<p>Магистрлар тайёрлашни ишлаб чиқариш, академик ва тармоқ фани, етакчи хорижий университетлар билан самарали интеграциялаш шакллари ва механизмларини жорий этиш</p>	2007-2008 йиллар	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар</p>	<p>Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари</p>	<p>Олий ўқув юртлари академик институтлар, магистрлар тайёрлашдан манфаатдор бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракат дастурлари. Магистрларни илмий тадқиқотларга, шу жумладан олий таълим, ўрта ва кичик бизнесни модернизация қилиш билан боғлиқ иқтисодиёт тармоқлари муаммолари бўйича илмий тадқиқотларга жалб этиш</p>
10.	<p>Магистратура фаолиятини ахборотлар билан таъминлашни такомиллаштириш ва унинг ахборот маконини ривожлантириш: Интернетга ва олий ўқув юртлариаро тармоқларга, вазирликлар ва</p>	2007-2008 йиллар	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар</p>	<p>Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари</p>	<p>Магистрлар тайёрлаш ахборот маконини ривожлантириш</p>

	идораларнинг порталларига, олий таълим муассасалари сайтларига ва шу кабиларга чиқишнинг махсус шакл ва йўллари таъминлаш асосида магистрларнинг мустақил машғулотларини ахборотлар билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш; магистрларнинг марказий ва тармоқ кутубхоналари фондларида ишлаши учун махсус шарт-шароитларни таъминлаш; шахслараро ахборотлар алмашиш, форумлар, мунозара клублари ва шу кабиларни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш				
11.	Магистрлар тайёрлашнинг давлат ва жамоат бошқаруви шакл ва методларини такомиллаштириш. Битирувчиларни самарали равишда ишга жойлаштириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар яратиш	2007-2008 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари	Магистрлар тайёрлаш сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ушбу жараёнга манфаатдор идораларни, корхоналарни жалб этиш
12.	Молиялаштириш тизими самарадорлигини ошириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш шакллари ва механизмларини такомиллаштириш	2007-2008 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар	Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ва ташкилотлар маблағлари	Магистрлар тайёрлашни ривожлантиришга сарфлаш учун (турли бюджетдан ташқари манбалардан тушадиган) маблағларни кўпайтириш

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси магистратура бўлимининг штат бирликлари рўйхати**

Т/р	Лавозимлар номи*	Штат бирликлари сони	Ягона тариф сеткаси бўйича разряд	Тариф коэффициенти	Лавозим маоши (сўмларда)
1.	Бўлим бошлиғи	1	9	4,797	74473
2.	Методист	1	5	3,467	53825
	Ҳаммаси:	2			

Изоҳ: \* — магистрлар сони 200 кишигача бўлганда 0,5 ставка белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/821/3833-сон)*